

Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВАСАЛЛАМНИНГ КҶРИНИШЛАРИ / 372-ҳадис

372- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ، قَالَ: حَدَّثَنَا آدَمُ بْنُ أَبِي إِيَاسٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا شَيْبَانُ أَبُو مُعَاوِيَةَ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ عُمَيْرٍ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: حَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فِي سَاعَةٍ لَا يَخْرُجُ فِيهَا، وَلَا يَلْقَاهُ فِيهَا أَحَدٌ، فَأَتَاهُ أَبُو بَكْرٍ، فَقَالَ: مَا جَاءَ بِكَ يَا أَبَا بَكْرٍ؟، قَالَ: حَرَجْتُ أَلْقَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنْظَرُ فِي وَجْهِهِ، وَالتَّسْلِيمَ عَلَيْهِ، فَلَمْ يَلْبَثْ أَنْ جَاءَ عُمَرُ، فَقَالَ: مَا جَاءَ بِكَ يَا عُمَرُ؟، قَالَ: الْجُوعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَأَنَا قَدْ وَجَدْتُ بَعْضَ ذَلِكَ، فَانْطَلِقُوا إِلَى مَنْزِلِ أَبِي الْهَيْثَمِ بْنِ التَّيْهَانِ الْأَنْصَارِيِّ، كَانَ رَجُلًا كَثِيرَ النَّخْلِ وَالشَّاءِ، وَلَمْ يَكُنْ لَهُ خَدَمٌ، فَلَمْ يَجِدُوهُ، فَقَالُوا لَامْرَأَتِهِ: أَيْنَ صَاحِبُكَ؟ فَقَالَتْ: انْطَلَقَ يَسْتَعْذِبُ لَنَا الْمَاءَ، فَلَمْ يَلْبَثُوا أَنْ جَاءَ أَبُو الْهَيْثَمِ بِقَرْبَةٍ يَزْعُمُهَا، فَوَضَعَهَا ثُمَّ جَاءَ يَلْتَزِمُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَيُقَدِّدِيهِ بِأَبِيهِ وَأُمِّهِ، ثُمَّ انْطَلَقَ بِهِمْ إِلَى حَدِيقَتِهِ فَبَسَطَ لَهُمْ بَسَاطًا، ثُمَّ انْطَلَقَ إِلَى نَخْلَةٍ فَجَاءَ بِقِنْوٍ فَوَضَعَهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَفَلَا تَتَّقَيْتَ لَنَا مِنْ رُطْبِهِ؟ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَرَدْتُ أَنْ تَخْتَارُوا، أَوْ تَخَيَّرُوا مِنْ رُطْبِهِ وَبُسْرِهِ، فَأَكَلُوا وَشَرِبُوا مِنْ ذَلِكَ الْمَاءِ فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: هَذَا وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مِنَ النَّعِيمِ الَّذِي تُسْأَلُونَ عَنْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ظِلٌّ بَارِدٌ، وَرُطْبٌ طَيِّبٌ، وَمَاءٌ بَارِدٌ فَانْطَلَقَ أَبُو الْهَيْثَمِ لِيَصْنَعَ لَهُمْ طَعَامًا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تَذَبْحَنَّ ذَاتَ دَرٍّ، فَذَبَحَ لَهُمْ عَنَاقًا أَوْ جَدْيًا، فَأَتَاهُمْ بِهَا فَأَكَلُوا، فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: هَلْ لَكَ خَادِمٌ؟، قَالَ: لَا، قَالَ: فَإِذَا أَتَانَا، سَبَّيْ، فَأَتِنَا فَأُتِيَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِرَأْسَيْنِ لَيْسَ مَعَهُمَا ثَالِثٌ، فَأَتَاهُ أَبُو الْهَيْثَمِ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اخْتَرِ مِنْهُمَا فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، اخْتَرِ لِي فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْمُسْتَشَارَ مُؤْتَمَنٌ، حُذْ هَذَا، فَإِنِّي رَأَيْتُهُ يُصَلِّي، وَاسْتَوْصِ بِهِ

مَعْرُوفًا فَأَنْطَلَقَ أَبُو الْهَيْثَمِ إِلَى امْرَأَتِهِ، فَأَخْبَرَهَا بِقَوْلِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ امْرَأَتُهُ: مَا أَنْتَ بِبَالِغِ حَقِّ مَا قَالَ فِيهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا بَأَنَّ تَعْتَبَهُ، قَالَ: فَهُوَ عَتِيقٌ، فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَبْعَثْ نَبِيًّا وَلَا خَلِيفَةً إِلَّا وَلَهُ بِطَانَتَانِ: بَطَانَةٌ تَأْمُرُهُ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَاهُ عَنِ الْمُنْكَرِ، وَبَطَانَةٌ لَا تَأْكُلُهُ حَبَالًا، وَمَنْ يُوقَ بِطَانَةَ الشُّؤْمِ فَقَدْ وُقِيَ

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам одатда чиқмайдиган ва ҳеч ким билан кўришмайдиган вақтда (уйларидан) чиқдилар. Шу вақт Абу Бакар у зотнинг олдиларига келди. Шунда Расулulloҳ: **«Эй Абу Бакр, сени нима етаклаб келди?»**, дедилар. Абу Бакр: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришиш, юзларига назар солиш ва салом бериш учун келдим», деди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Умар келди. У зот: **«Эй Умар, сени нима етаклаб келди?»**, дедилар. Умар: «Очлик эй Аллоҳнинг Расули», деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менда ҳам бироз очлик бор»**, дедилар ва Абу Ҳайсам ибн Таййихон Ансорийнинг уйига йўл олдилар. Унинг хурмо ва қўйлари кўп эди, бироқ хизматкори йўқ эди. Уни (уйидан) топмадилар ва аёлидан: «Хўжайиннинг қаерда?», деб сўрашди. Аёли: «Ширин сув олиб келиш учун кетганди», деди. Бир оз ўтмай Абу Ҳайсам сув тўла мешни кўтариб келиб уни қўйди. Сўнг Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васалламни кучоқлаб: «Ота-онам сизга фидо бўлсин», деди. Сўнг уларни боғига олиб бориб, улар учун гилам тўшади. Сўнгра хурмо дарахтига бориб уларга бир бош хурмо олиб келди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам **«Бизга хўлларини ажратиб келмадингми?»**, дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, ўзингиз танлашингизни хоҳладим [ёки ҳул ва қуруқларидан танлашингизни хоҳладим]», деди. Шунда улар ўша сувдан ичдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, бу сизлар қиёматда сўраладиган неъматлардандир - салқин соя, пишган хурмо, муздек сув»**, дедилар. Абу Ҳайсам уларга таом тайёрлаш учун кетди. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Соғиладиганини сўймагин»**, дедилар. Уларга урғочи ёки эркак эчки боласини сўйиб келтирди ва улар едилар. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хизматкоринг борми?»**, дедилар. У: «Йўқ», деди. У зот: **«Агар асирлар келса олдимизга келгин»**, дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига учинчиси бўлмаган иккита қул келтирилди. Абу Ҳайсам Расулulloҳнинг ҳузурларига келди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам **«Шу иккаласидан бирини танла»**, дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Набийси, мен учун ўзингиз танлаб беринг», деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Маслаҳат берилиши сўралган инсон ишонч билдирилган одамдир. Мана**

бунисини ол, мен уни намоз ўқиганини кўрдим. Унга яхши муомила қил*», дедилар. Абу Ҳайсам аёлининг олдига бориб, унга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини етказди. Шунда хотини: «Сен фақатгина уни озод қилсанггина Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг у ҳақида айтганларини бажара оласан», деди. Абу Ҳайсам: «У озод», деди. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ таоло бирор набий ёки халифа юборса, албатта у билан бирга икки хил хос маслаҳатчиси бўлади: яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган хос маслаҳатчилар ҳамда унга нисбатан бузғунчилик қилишда кучини аямайган хос маслаҳатчилар. Ким ёмон маслаҳатчилардан сақланса, ҳақиқий сақланган бўлибди»,** дедилар».

Изоҳ: Таржимада «муомала қилинглари» деб ўгирилган сўз араб тилида жуда кенг маънода қўлланади. Бу сўз «бир-бирингизни шунга буюринглари», «ўзаро тавсия беринглари», «ушбу васиятимни қабул қилиб, унга амал қилинглари» деган мазмунларни ҳам ўз ичига олади.

Манба: hadis.islom.uz

